

## Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Транспорт логистикаси (темир йўл транспорти) таълим йўналиши бўйича талабаларда таянч ва ихтисослик фанлари асосида темир йўл транспортида транспорт логистикаси ва экспедиторлик операцияларини амалга оширишнинг замонавий технологиялари, темир йўл транспортида юк ва йўловчиларни ташишни ташкил қилиш технологияси, юк ва тижорат ишлари бошқариш билим ва кўникмалари, ортиш-тушириш ишларини механизациялаш усуллари, локомотивлардан унумли фойдаланиш йўллари, темир йўл станцияларини ташиш ҳажмига мос равишда лойиҳлашнинг энг самарали усуллари, поездлар ҳарактини тезкор бошқариш имконини берувчи автоматлаштирилган тизимлардан фойдаланишга оид кўникмалар шакллантирилади. Талабалар ўз билим ва кўникмаларини амалиёт орқали мустахкамлаш боришлари ушбу йўналишининг ўқув режасига аниқ белгилаб берилган.



**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар**

Транспорт вазирлиги, "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ, "Ўзбекистон темир йўллари"АЖ минтақавий темир йўл узеллари, Экспедиторлик ташкилотра, "Ўзтемирйўлйўловчи"АЖ.

**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?**

Поезд диспетчери, ташишларни ташкил этиш бўйича муҳандис, юк ва тижорат ишлари бўйича муҳандис, экспедиторлик ташкилотлар оператори, ташишларни ташкил этиш ва юк ва тижорат ишларини бошқариш бошқармаларида раҳбар ҳодим сифатида ишлашлари кўзда тутилган.

## Транспорт логистикаси (автомобиль транспорти) таълим йўналиши тўғрисида қисқача маълумот

Мазкур йўналиш фан ва техника соҳасидаги таълим мутахассислиги бўлиб, у халқаро тажрибаларга мувофиқ автомобиль транспортдан унумли фойдаланишга, транспортда логистик жараёнларни ташкил этиш ва уни таъминлашга йўналтирилган инсон фаолияти воситалари, усуллари ва йўллари мажмуини камраб олади.



**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси соҳа ва ташкилотларда фаолият юритадилар**

**Ушбу таълим йўналиши битирувчилари қайси касб ва лавозимларда ишлашлари мумкин?**

Мулкчиликнинг барча туридаги автотранспорт корхоналари, халқаро магистралларда юк ва йўловчиларни ташишга мўлжалланган терминаллар, логистика марказлари, транспорт департаментлари, транспорт-экспедиторлик компаниялари, илмий, илмий-тадқиқот ташкилотлари ва муассасалари, олий ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ва лицейларда фаолият юритадилар

Логист, менежер, оператор, тасарруф хизмати муҳандиси, экспедитор, олий таълим муассасалари, техникум ва касб-хунар коллежларида педагог, илмий ходим